

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«XALQ SUG'URTA» АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил 30 ноябрдаги
07/2023-сонли баёнига
1-илова

**«XALQ SUG'URTA»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
2024 ЙИЛ УЧУН
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

Тошкент – 2023 йил

М У Н Д А Р И Ж А

I. КИРИШ.....	3
1.1. «XALQ SUG'URTA» АЖ нинг умумий тавсифи.....	3
1.2. Жамиятнинг 2023 йил Бизнес-режа бўйича кўрсаткичлари.....	3
1.3. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати.....	5
II. ЖАМИЯТНИНГ 2024 ЙИЛ УЧУН МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ.....	6
2.1. Мақсадлар ва устувор вазифалар.....	6
2.2. Суғурта фаолияти	7
2.3. Молиявий ва инвестицион фаолият.....	9
2.4. Тариф сиёсати ва хавфларни тақсимлаш стратегияси.....	9
2.5. Маркетинг сиёсати ва бизнесни ривожлантириш стратегияси.....	11
2.6. Минтақавий ва агентлик тармоғини жадал ривожлантиришни такомиллаштириш.....	12
2.7. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш.....	14
2.8. Жамият моддий-техник базасини янада такомиллаштириш.....	15
2.9. Кадрлар сиёсати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.....	15
2.10. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш.....	17
III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	17

I. КИРИШ

1.1. «XALQ SUG'URTA» АЖнинг умумий тавсифи

1.	Тўлиқ ва қисқартирилган номи	«XALQ SUG'URTA» акциядорлик жамияти; «XALQ SUG'URTA» АЖ (кейинги ўринда – Жамият).
2.	Давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва рақами, Жамиятни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказган орган	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан дастлаб 2011 йил 16 майда рўйхатдан ўтган ва охириги марта 03.11.2023 йилда қайта рўйхатдан ўтган.
3.	Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензияси	СФ № 00054 2022 йил 25 февраль.
4.	Молиявий ишончлилиқ рейтинг	«Standard and Sensitive ratings » томонидан берилган «УзА А +» «жуда юқори молиявий ишончлилиқ».
5.	Юридик ва почта манзили	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Хамид Олимжон майдони, 13-а ўй.
6.	Банк реквизитлари	Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат “Халқ банки” Яккасарой тумани банк хизматлари маркази, МФО: 01125, СТИР:207119228, Х/Р:20216000504915485001.
7.	Юридик шакли	Акциядорлик жамият.
8.	Жамиятни бошқариш	Акциядорларнинг Умумий йиғилиши олий бошқарув органи ҳисобланади. Умумий бошқарув – Кузатув кенгаши. Ижрочи орган – Бош директор. Назорат қилувчи орган – Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати.
9.	2023 йил 1 декабр ҳолатига устав капиталининг ҳажми	45,0 миллиард сўм.
10.	Филиаллар сони	Жами 15 та, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида ҳамда барча вилоятларда.
11.	Марказлар сони	Жами 23 та, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида ҳамда 11 та вилоятларда.

1.2. Жамиятнинг 2023 йил бизнес-режаси бўйича кўрсаткичлари.

«XALQ SUG'URTA» АЖ ўз фаолиятини 2011 йил май ойидан бошлаб амалга ошириб келмоқда. Шу давр мобайнида Жамият республика суғурта бозорида рақобатбардошлигини исботлаб келмоқда ҳамда бу натижаларни янада юксалтириш учун етарли салоҳиятга эга.

Ўз фаолиятининг бошиданок Жамият мижозлар ва бизнес шериклар билан ишлашда замонавий ёндашувларни жорий этиш ва малакали мутахассислар гуруҳини шакллантириш мақсадида суғурта бозорига кириб келган.

Ушбу йўналишдаги комплекс чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши учун 2023 йил фаолияти давомида қуйидаги молиявий кўрсаткичлар режалаштирилган:

- суғурта мукофотларининг ялпи йиғимини 60,0 млрд. сўмга етказиш;
- жами даромад – 87,72 млрд. сўмни ташкил этиши;
- жами харажат – 76,52 млрд. сўмни ташкил этиши;
- соф фойда – 11,2 млрд. сўмни ташкил этиш режалаштирилган.

2023 йил натижаларига кўра Жамиятнинг Бизнес-режа ижроси кўрсаткичлари қуйдагиларни ташкил этган:

- суғурта мукофотлари ҳажми 9 ойлик режага нисбатан 55,9 фоизга бажарилган ва 25,1 млрд. сўмни ташкил этган;

- жами активлари йиллик режага нисбатан 90,3 фоизга бажарилган ва 144,5 млрд. сўмни ташкил этган;

- жами капитали 53,7 млрд. сўмни ташкил этган;

- суғурта захираси 9 ойлик режага нисбатан 36,5 фоизга бажарилган ва 87,3 млрд. сўмни ташкил этган;

- соф фойда йиллик режага нисбатан 49,1 фоизга бажарилган ва 5,5 млрд. сўмни ташкил этган.

2023 йил 9 ойлик учун Бизнес-режанинг бажарилиши

(млн. сўмда)

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йил 9 ойлик режаси	2023 йил 9 ойлик Факт	Ижроси (%)
1	Ялпи суғурта мукофоти	45 000,00	25 147,20	55,88
1,1	Суғурта фаолиятининг даромади	40 000,00	23 822,50	59,56
1,2	Қайта суғурта бўйича даромадлари	5 000,00	1 324,70	26,49
2	Бошқа даромадлар	3 330,00	260,7	7,83
3	Молиявий фаолиятнинг даромади	17 600,00	17 682,30	100,47
4	Ялпи даромад	65 930,00	43 090,20	65,36
5	Суғурта захираларининг (ўсиш/камайиши)	17 700,00	6 640,90	37,52
6	Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси	600	45,90	7,65
7	Суғурта копланалари	5 000,00	9 231,20	184,62
8	Қайта суғурта шартномаси бўйича берилган суғурта мукофотлари	1 900,00	123,60	6,51
9	Шартномаси бекор бўлган суғурта мукофотларини қайтариш	1 100,00	905,70	82,34
10	Иш ҳақи фонди	19 030,00	13 142,00	69,06
11	Суғурта агентлари тўловлари	4 000,00	2 182,30	54,56

12	Ижтимоий солиқ (12%)	2 751,60	1 588,10	57,72
13	Бино ижараси ва таъмирлаш харажатлари	830,00	391,40	47,16
14	Асосий восита ва номоддий активлар эскириши	800	505,9	63,24
15	Автотранспорт харажатлари	460	193,6	42,09
16	Хизмат кўрсатиш харажатлари	650	372,8	57,35
17	Хизмат сафари харажатлари	105	40,8	38,86
18	Бошқа харажатлар	2 565,00	1 250,00	48,73
19	Жами харажатлар	57 491,60	36 614,20	63,69
20	Солиқ тўлагунга қадар фойда	8 438,40	6 476,00	76,74
21	Фойда солиғи	1 265,80	961,7	75,98
22	Соф фойда	7 172,60	5 514,30	76,88

1.3. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида суғурта соҳаси муҳим рол ўйнайди. Бунинг сабаби, суғурта ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришни рағбатлантириши, инвестиция муҳитини яхшиланиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда алоҳида рол ўйнайди. Суғурта соҳасида олиб борилаётган ислохотлар туфайли бугунги кунда Республикада ушбу соҳа тез суръатлар билан ривожланмоқда. Асосий эътибор ички суғурта бозорини ислоҳ қилишга, суғурта конунчилигини такомиллаштиришга, ушбу соҳани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга тизимли ёндошишга қаратилмоқда.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-730-сон, 23.11.2021 йил) қабул қилинди. Қонунга асосан, суғурталовчилар (кайта суғурталовчилар) Акционерлик жамияти шаклида ташкил этилиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, 2021 йил 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5265-сон Қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, миллий суғурта бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

2024 йил 1 январдан бошлаб мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.

Суғурта шартномаларини Ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш суғурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

II. ЖАМИЯТНИНГ 2024 ЙИЛ УЧУН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Мақсадлар ва устувор йўналишлар

Жамиятнинг 2024 йил учун Бизнес режасига “Xalq sug‘urta” АЖнинг 2024 йил молиявий режаси илова қилинади ҳамда жамиятнинг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Суғурта мукофотлари ҳажмини 50,0 млрд. сўмга етказиш;
 - Жами активларини 2023 йилга нисбатан 20,0 млрд. сўмга ошириб, 170,0 млрд. сўмга етказиш;
 - Устав капитални қўшимча 10 млрд. сўмга ошириш ва 55 млрд. сўмга етказиш;
 - Суғурта захирасини 2023 йил режасига нисбатан 2,4 млрд. сўмга ошириб, 25,7 млрд. сўмга етказиш;
 - Соф фойдани 11,8 млрд. сўмга етказиш;
 - Капитал рентабеллигини 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш;
 - Активлар рентабеллигини 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш;
 - Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда “Ислом суғуртаси” тизимини жорий қилиш масалаларини ўрганиш;
 - Тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари билан «Е-полис» тизимида ишлашни йўлга қўйиш;
 - Жамиятнинг расмий “веб-сайти”ни такомиллаштириш;
 - Республиканинг аҳолиси кўп ҳамда саноатлашган туманларида ҳудудий бўлинмалар тармоғини кенгайтириш;
- Жамиятнинг умумий мақсадига эришиш учун ушбу бизнес-режа қуйидаги йўналишларда асосий вазифаларни белгилаб беради:

1. Суғурта фаолияти;
2. Молиявий ва инвестицион фаолият;
3. Тариф сиёсати ва хавфларни тақсимлаш стратегияси;
4. Маркетинг сиёсати ва бизнесни ривожлантириш стратегияси;
5. Минтақавий ва агентлик тармоғини жадал ривожлантиришни такомиллаштириш;
6. Ахборот-коммуникация технологиялари (ИТ)ни ривожлантириш;

7. Жамиятнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш;

8. Кадрлар сиёсати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва ижтимоий химоялаш *(вакант жойларни профессионал кадрлар билан бутлаш, ходимлар малакасини ошириш, ўқитиш ҳамда бўлимлараро ходимлар ротациясини таъкил этиш)*.

2.2. Суғурта фаолияти

Устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2024 йилда Жамият қуйидаги суғурта фаолиятини ривожлантиришни режалаштирмоқда:

1. Жамиятга берилган 2022 йил 25 февралдаги SF №00054-сонли лицензияга асосан, Жамиятнинг суғурта соҳасида инновацион ривожланишни ҳамда ихтиёрий ва мажбурий суғурта турларини ривожлантиришда миллий суғурта бозорини ҳамда илғор хорижий тажрибаларни доимий равишда ўрганиб бориш, шунингдек, амалиётга жорий этиш юзасидан тегишли таклифларни бериб бориш;

2. Жамият ривожини учун Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида таклиф этилаётган суғурта турлари ва шартларини доимий равишда ўрганган ҳолда, таклиф этилаётган суғурта маҳсулотларининг такқослама таҳлилинини ўтказиш ва уларнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаб бориш;

3. Юридик ва жисмоний шахслар, резидент ва норезидентлар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Жамиятнинг суғурта маҳсулотларини сотишнинг самарали механизминини яратиш юзасидан таклифлар киритиб бориш;

4. Жамиятни танитиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан реклама маҳсулотларини ишлаб чиқилишида иштирок этиб, суғурта турларининг ўзига хослиги, уларни сотиш технологиялари ва ҳудудий ривожлантириш йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли таклифлар киритиб бориш;

5. Жамиятнинг бизнес-жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, шунингдек, миқдорлар билан ишлаш самарадорлигини оширишда суғурта бозорининг потенциал талаб ва имкониятларини ўрганиш, республика аҳолисининг демографик таркиби ҳамда ўртача даромадлари, шу билан бирга Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар улушининг ўсиш даражаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб иш олиб бориш;

6. Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ўзгариши ёки қўшимчалар киритилиши, янгисининг қабул қилиниши ҳолларида, бундан ташқари, ишлаб чиқариш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, Жамият ва Жамият таркибидаги Департамент, бўлим, филиал ва марказларнинг иш фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг намуналарини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш борасида суғурта комиссиясига тақдим этиб бориш;

7. Тақдим қилинаётган суғурта хизматлари механизминини яхшилаш, шунингдек, Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича Жамиятнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш эҳтиёжидан келиб чиқиб,

рахбариятга таклиф киритиш. Ушбу функция суғурта полисларини, шу жумладан, интернет орқали сотувни ташкил этишни ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, Жамият имиджи ва брендини янада тарғиб қилиш, мустаҳкамлаш мақсадида, реклама қилиш учун маблағлар ажратишни ўз ичига олади.

2024 йилда Жамиятнинг маркетинг фаолиятига ажратиладиган умумий бюджети миқдorigа асосан (реклама ҳуқуқи асосида оммавий ахборот воситаларида Жамият фаолиятини ёритиш, Жамият логотипи туширилган реклама маҳсулотларини тайёрлаш, ижтимоий тармоқларда Жамият маҳсулотларини реклама қилишга кетадиган харажатлар, “XALQ SUG‘URTA” Акциядорлик жамияти бурчакларини ташкил қилиш ва бошқалар) режалаштирилади ва қуйидагилар амалга оширилади:

- аҳолининг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш, статистик таҳлил қилиш учун тегишли маълумотлар базасини яратиш;
- аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- суғурта маҳсулотларини жорий қилиш учун энг катта имкониятларга эга бўлган мавжуд ва потенциал ҳудудий бозорларни аниқлаш.

8. Тижорат банклари, кредит ташкилотлари ва лизинг ташкилотларининг фаолиятини изчил либераллаштириш натижасида улар томонидан таклиф қилинаётган янги хизмат турлари кўпайиб бормоқда ҳамда босқичма-босқич барча кредитларнинг электрон платформага ўтиш эҳтимолларидан келиб чиқиб, Жамият томонидан улар билан яқин алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликда ишлашни ривожлантириш борасида тижорат таклифлари ишлаб чиқиш, учрашувлар ўтказиш натижасида эришилган ижобий келишув ўрнатилган томонларнинг ахборот базалари билан интеграция қилиш орқали халққа суғурта хизматларини кўрсатишда электрон суғурта полисларини («E-polis») бериш орқали амалга оширишни йўлга қўйиш;

9. Жамият миллий рейтингини «узА+» (*тўлов қобилиятининг юқори даражаси*) «Барқарор» прогнози билан ушлаб туриш;

10. Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартларига (МСФО) босқичма-босқич ўтиш ва халқаро рейтинг Жамиятининг барқарор рейтингини олиш;

11. Маркетинг фаолиятини кенгайтириш;

12. Суғурта бизнеси жараёнларини ташкил қилишни такомиллаштириш;

13. Агентлик тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

14. Ҳудудий бўлинмаларнинг моддий-техник таъминоти янада ривожлантириш;

15. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;

16. Ходимлар малакасини доимий равишда ошириб бориш.

2.3. Молиявий ва инвестицион фаолият

2024 йил якуни бўйича Жамият қуйидаги молиявий кўрсаткичларга эришишни мақсад қилиб белгиллаган:

- Жамият активларини 170 млрд. сўмга етказиш;
- Жамият жами даромадини 86,56 млрд. сўмга етказиш;
- Жамият жами ҳаражатини 74,74 млрд. сўмга етказиш;
- соф фойдани 11,82 млрд. сўмга етказиш;
- инвестиция даромадларини 29,5 млрд. сўмга етказиш;

«XALQ SUG'URTA» AJ устав капитали (*ҳозирги кунда 45,0 млрд. сўмда шакллантирилган*) 2024 йилда 1 августга қадар 55,0 млрд. сўмга етказиш.

2024 йил учун мўлжалланган даромад ва ҳаражатлари кўрсаткичлари батафсил тавсифи иловада «XALQ SUG'URTA» АЖнинг 2024 йил учун молиявий режасида келтирилган (*«Молиявий режа» илова қилинади*).

2.4. Тариф сиёсати ва хавфларни тақсимлаш стратегияси

Тариф сиёсатининг асосий мақсади – Жамият учун узлуксиз суғурта операцияларини амалга оширишда суғурталанганларнинг манфаатларини таъминлаш.

Суғурталаш ставкаларини аниқлаш суғуртанинг ҳар бир тури учун базавий тарифлар миқдорига ва қопланадиган хатарлар даражасига, шунингдек, бошқа суғурта Жамиятларининг рақобатбардошлигини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Суғурта мукофотлари ставкалари қопланадиган хатарларнинг тури ва ҳажмига, суғурта муддатига, лойиҳанинг республика иқтисодиёти учун аҳамиятига, қайта суғурта қилиш имкониятига ва бошқаларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Жамият олиб борадиган хавфларни тақсимлаш стратегияси суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва сақлашга қаратилган.

Хавфларни тақсимлаш стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қайта суғурта Жамиятлари ўртасида келишилган шартлар асосида қабул қилинган суғурта қалтисликлари учун жавобгарликнинг Молия вазирлиги томонидан белгиланган меъёрларга асосан тақсимланиши;
- манфаатдор маҳаллий суғурта Жамиятлари билан йирик лойиҳаларни биргаликда суғурта қилиш;
- миллий ва хорижий қайта суғурта ҳамда брокерлик Жамиятлари билан қайта суғурталаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, қўшма суғурта фаолиятига янги шерикларни жалб қилиш тўғрисида шартномалар тузиш.

Шу муносабат билан, қуйидаги устувор вазифаларни ҳал қилиш зарур:

- рақобат шароитларини ҳисобга олган ҳолда тариф ставкалари даражасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишда мослашувчанликни таъминлаш;

- суғурталовчиларнинг асосий қисми учун суғурта ставкаларининг мавжудлигини таъминлаш;

- суғурта манфаатларини максимал даражада қондиришга қаратилган суғурта тўловининг доимий мутлақ қиймати билан суғурта мажбуриятлари ҳажмини кенгайтириш;

- суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш;

- Жамиятнинг маржасини (*даромадини*) ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган хатарлар бўйича жавобгарликнинг тақсимланиши (*қайта суғурта қилиши*).

Шу билан бирга, суғурта бозорининг сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари шуни кўрсатдики, заиф иштирокчилар бозорда суғурта хизматларига нархларни *демпинг* қилиб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар, кучли бўлганлар эса хизмат кўрсатиш таркибий қисмининг мустаҳкамланиши, шунингдек, янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш йўлини тутмоқдалар.

Мижоз учун курашда бир катор суғурталовчилар тарифларни барча оқилона чегаралардан пастга туширишга тайёр ва табиийки, бундай вазият суғурталовчиларнинг ишончлилигига таъсир қилади. Яъни, арзон нарх тўғридан-тўғри суғурта хизматлари сифатини пасайтиради.

Арзон тарифларни амалга оширишда миждоз ҳақиқатда суғурта тўловисиз қолиши мумкин, чунки суғурталовчи шартнома шартларига мувофиқ қонуний равишда тўлашни рад этиши мумкин ёки суғурталовчида суғурта қопламасини тўлаш учун етарли маблағ бўлмаслиги мумкин.

Бошқа томондан, тижорат банклари суғурта шартномаси тарафи ҳам бўлиб, фойда олувчи бўлиб ишлайдилар ва миждоз сингари, ушбу мулкка зарар етказилган тақдирда, суғурта товонини ёки гаровга қўйилган мол-мулкни олиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Жамият бугунги кундаги суғурта бозорида барқарор ривожланиши ва рақобатбардош бўлиши учун, албатта, бунда Жамият ўз миждозлари мулккий манфаатларини, ҳамкорликда ишлаётган тижорат банклари манфаатларини ҳамда Ягона иштирокчиси Халқ банкининг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, Жамиятнинг тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлашини давом эттириш ва кенгайтириш ниятида гаров эвазига берилган мол-мулкнинг суғурта қопламасини тўлаш шартларини стандартлаштиради, шунингдек, барча манфаатларга жавоб берадиган минимал талабларни белгилаш йўлини тутди.

2.5. Маркетинг сиёсати ва бизнесни ривожлантириш стратегияси

2024 йилда Жамиятнинг маркетинг фаолиятига ажратиладиган умумий бюджети миқдорига асосан, (реклама ҳукуқи асосида оммавий ахборот воситаларида Жамият фаолиятини ёритиш, Жамият логотипи туширилган реклама маҳсулотларини тайёрлаш, ижтимоий тармоқларда Жамият маҳсулотларини реклама қилиш кетадиган харажатлар, “XALQ SUG‘URTA” Акциядорлик жамияти бурчакларини ташкил қилиш ва бошқалар) режалаштирилади ва қуйидагилар амалга оширилади:

- аҳолининг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш, статистик таҳлил қилиш учун тегишли маълумотлар базасини яратиш;
- бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- суғурта маҳсулотларини жорий қилиш учун энг катта имкониятларга эга бўлган мавжуд ва потенциал ҳудудий бозорларни аниқлаш.

Суғурта бозорида Жамиятнинг илғор кўрсаткичларга эришишида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш самараси юқори ўрин эгаллайди. Шунга асосан, Жамиятнинг маркетинг стратегияси қуйидаги вазифаларни бажаришга асосланади:

1. Суғурта хизматларининг юқори даражада тез етказилиши орқали миқдорнинг суғурта манфаатларини кондиритиш. Ушбу функция суғурта полисларини, шу жумладан, интернет орқали сотишни ташкил этишни такомиллаштириш, Жамият имиджи ва брендини янада тарғиб қилиш мақсадида реклама қилиш учун маблағлар ажратишни ўз ичига олади;

2. Жамиятнинг бизнес-жараёнларини ўрганган ҳолда таҳлил ва оптималлаштириш ишлари, шунингдек, миқдорлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, суғурта бозорининг потенциал талаб ва имкониятларини ўрганиш, республика аҳолисининг демографик таркиби ва ўртача даромадлари, шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар улуши ўсиши тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

Белгиланган мақсадга эришиш учун Жамият томонидан рекламани маълум истеъмолчилар гуруҳларига (*жисмоний шахслар, кичик ва ўрта бизнес, кредит ташкилотлари, йирик саноат бирлашмалари, хорижий корхоналар, бюджет ташкилотлари ва бошқалар*) йўналтиришни кўпайтирган ҳолда реклама ва ахборот ишларини янада такомиллаштириш зарур.

Шу муносабат билан, қуйидаги асосий йўналишларда реклама ишларини олиб бориш режалаштирилган:

1) Жамият имиджини шакллантириш ва аҳоли ўртасида Жамият хизматларидан хабардорликни ҳамда Жамиятга бўлган ишончини оширишда:

- Жамиятнинг интернетдаги веб сайтини такомиллаштириш ва ушбу сайт орқали Жамият тўғрисидаги барча маълумотларни, жумладан, Жамият

тарихи, эришилган натижалар, мавжуд суғурта турлари ва класслари, тузилган шартномалар сони, суғурта мукофотлари, суғурта мажбуриятлари, тўланган суғурта қопламалари, рейтинг кўрсаткичлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотлар бериш;

- ташқи реклама расмларини жойлаштириш, офислар ташқи кўринишини мижозлар эътиборини жалб қилувчи реклама банерлар билан жиҳозлаш;

- ижтимоий тармоқларда (*facebook, telegram, instagram* ва ҳоказолар) реклама ишларини ривожлантириш, акциялар ташкиллаштириш, суғурта маҳсулотларини реклама қилиш ва бошқалар.

2) Юридик мижозларни жалб қилишда,:

- мақсадли босма рекламани (*буклет*) тарқатиш;

- Жамиятнинг интернет веб сайти орқали фойдаланувчиларни Жамият билан ўзаро боғланишини ҳамда уларни мавжуд суғурта турлари, суғурта шартномаларини тузиш тартиблари, суғурта ходисаси содир бўлганда суғурта қопламалари бўйича аризалар бериш ва тўлов тартиблари каби маълумотлар билан таъминлаш;

- Жамият инвестиция маблағларини йўналтириш орқали молиявий институтлар ва эмитент Компаниялар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янги мижозларни жалб қилиш;

- мижозларнинг маълум гуруҳига йўналтирилган тақдимотларни ёки мақсадли акцияларни ташкил қилиш ёхуд Жамият логотипи туширилган эсдалик совғалари билан рағбатлантириш;

- мижозлар билан ҳамкорликда семинар ва конференцияларни ташкиллаштириш ёхуд иштирок этиш.

3) Суғурта тизимида IT ролини оширишда:

- суғуртанинг барча турларини босқичма босқич электрон полисларни (*«E-polis»*) Жамиятнинг интернетдаги веб-сайти орқали, мобил иловалар орқали расмийлаштириш механизмини жорий этиш ва мавжудлари бўйича тарғибот ишларини олиб бориш;

2024 йилда маркетинг фаолиятининг умумий бюджети 350,0 млн. сўм миқдорида режалаштирилган (реклама ҳуқуқи асосида оммавий ахборот востиларида Жамият фаолиятини ёритиш, Жамият логотипи туширилган реклама маҳсулотларини тайёрлаш, ижтимоий тармоқларда Жамият маҳсулотларини реклама қилиш кетадиган харажатлар, “XALQ SUG‘URTA” Акциядорлик жамияти бурчакларини ташкил этиш ва бошқалар).

2.6. Минтақавий ва агентлик тармоғини жадал ривожлантиришни такомиллаштириш

Кўрсатилган хизматларни мавжуд ва потенциал мижозларга яқинлаштириш учун юқорида кўрсатилган Жамиятнинг мақсадларини ва

бозорни қамраб олиш даражасини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий тармоқни қуйидагилар бўйича ривожлантириш зарур:

- республиканинг энг истикболли минтақаларида суғурта марказларини очиш;

- Халқ банкининг кенг тармоқларидан фойдаланган ҳолда суғурта маҳсулотларини сотиш;

- потенциал суғурталовчилар гавжум бўлган жойларда суғурта хизматлари учун савдо нуқталари тармоғини ташкил қилиш;

- меҳнат фаолияти кўрсаткичларига қараб иш ҳақиға нисбатан шаффоф дифференциал ёндашувни жорий этиш.

Миллий суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги босқичида суғурта хизматларини сотувининг асосий тармоқларидан бўлиб, электрон тижоратни ривожлантириш билан бирга суғурта агентларининг сонини ошириш ҳисобланади.

Агентлар билан ишлашни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш қуйидаги асосий йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ:

- якка тартибдаги тадбиркор сифатида ишлашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги масаласида катта даромад келтирадиган агентлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек, агентларни ишга бўлган салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида улар ўртасида совринли акция тадбирларини жорий этиш;

- моддий компенсациянинг янада қулай шартлари туфайли жалб қилинган агентлар-жисмоний шахсларни иқтисодий рағбатлантириш;

- суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта Жамиятларининг муваффақиятли агентлари учун янада жозибадор иш шароитларини таъминлаш;

- ҳудудларда хизмат кўрсатишга ихтисослашган филиаллар тармоғи ривожланган корхона, ташкилотлар билан агентлик битимлари имзолаш орқали ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш;

- суғурта агентларини тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини ташкиллаштириш;

- ҳудудий тармоқ ходимлари ўртасида ҳар чоракда камида бир маротаба ўқув-семинарларни ташкил қилиш;

- ҳудудий филиаллар ўртасида энг яхши филиал, энг яхши филиал директори, энг яхши филиал ходими номинациялари бўйича мусобакаларни ҳар чоракда ташкил қилиш;

- номинациялар бўйича биринчиликни олган ходимларни рағбатлантириш масаласини жорий этиш;

- агентлар билан ҳар чоракда камида бир маротаба сугурта бозоридаги янгиликлар, норматив ҳужжатларга киритилган ўзгаришлар бўйича ZOOM орқали ўқув-семинарларни ташкил қилиш.

2.7. Ахборот-коммуникация технологияларини (IT) ривожлантириш

Замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва Жамиятнинг самарадорлигини ошириш учун «IT»-технологияларини қуйидаги соҳаларда янада ривожлантириш зарур:

- Ҳисобот шакллари электрон шаклга ўтказиш, Жамият ягона базасига маълумотларни автоматик киритиш учун турли ташкилотларнинг online базаларига боғланиш орқали иш унумдорлигини ва самарадорлигини шакллантириш;

- Жамиятда МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминлаш ва Жамиятнинг «Xalq Sug'urta online» дастурий таъминоти тизимини такомиллаштириб бориш;

- Замонавий «IT» технологияларидан фойдаланган ҳолда Жамият веб-сайтининг техник даражасини, ахборот таркибини яхшилаш ва Жамиятнинг веб-сайтига трафикни кўпайтириш;

- Сайтга ташриф буюрувчилар томонидан маълумотларни тез ва қулай равишда топиш учун қидирув тизимларининг талабларига веб-сайтни оптималлаштириш ва унинг навигациясини яхшилаш;

- Аҳолига электрон суғурта хизматлари кўрсатиш имкониятларини яратиш бўйича Жамият веб-сайтини такомиллаштириш.

- Жамият ва унинг хизматлари тўғрисида мақсадли сайтларга Жамиятнинг маълумотлари, «PR» ва реклама характеридаги нашрларни жойлаштириш орқали интернетда Жамият хизматларини реклама қилиш;

- Суғуртани автоматлаштириш, инвестиция фаолияти, суғурта даъволарини кўриб чиқиш жараёни, шунингдек, ходимларни бошқариш, бизнес-жараёнларни бошқариш тизими, ҳужжат айланиши, режалар ва кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш учун суғурта соҳасида кенг қамровли интеграциялашган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- Бухгалтерия ҳисобининг жорий дастурини оптималлаштириш ва Жамият фаолиятини ҳар томонлама молиявий таҳлил қилиш ва бошқарувнинг самарали қарорларини қабул қилиш учун янги модулларни ишлаб чиқиш;

- Жамият филиал тармоғининг ишлашини «IT» қўллаб-қувватлаш, филиалларда уланиш тезлигини ошириш орқали Жамиятнинг корпоратив тармоғига кириш сифатини ошириш бўйича иш олиб бориш;

- Жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ташкил қилиш;

- Жамият ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш.

Жамиятнинг расмий веб-сайтини онлайн суғурта полисларини сотишга ихтисослаштириш бўйича такомиллаштириш, ижтимоий тармоқлар ҳамда мобил илова яратиш мақсадида 2024 йил Жамият томонидан «IT»ни ривожлантириш учун умумий бюджет 500,0 млн. сўм миқдорида режалаштирилган.

2.8. Жамият моддий-техник базасини янада такомиллаштириш

Ушбу йўналишдаги ишнинг мақсади хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, Жамиятда ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш орқали уларнинг масъулиятини ошириш ҳамда иш унумдорлиги ва самарадорлигини пасайтирувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилишдир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Эскирган ва тўлиқ эскирган (баланс қиймати **“нол”** бўлган) қуйидаги автотранспорт воситаларини 2024 йилнинг III чораги якунига қадар аукцион савдолари орқали сотиш:

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 2” давлат рақами 01/981 ХСА,
2. 2014 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 2” давлат рақами 01/723 СЕА,
3. 2014 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 2” давлат рақами 01/719 СЕА,
4. 2014 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 2” давлат рақами 01/560 СЕА,
5. 2015 йилда ишлаб чиқарилган “Кобальт” давлат рақами 01/813 VDA,
6. 2016 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 2” давлат рақами 01/328 JEА,
7. 2016 йилда ишлаб чиқарилган “Кобальт” давлат рақами 01/625 ZEА,
8. 2017 йилда ишлаб чиқарилган “SPARK” давлат рақами 01/681 ZEА,
9. 2017 йилда ишлаб чиқарилган “SPARK” давлат рақами 01/682 ZEА,
10. 2017 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 3” давлат рақами 01/295 DLA,
11. 2018 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 3” давлат рақами 01/523RFA,
12. 2018 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 3” давлат рақами 01/521 RFA,
13. 2018 йилда ишлаб чиқарилган “Ласетти” давлат рақами 01/349 RFA,
14. 2021 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия 3” давлат рақами 01/960 EHA
(йўл транспорт ходисаси натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолган).

2. Юқоридаги автотранспорт воситаларининг ўрнига 1 дона “BYD Chazor Comfort” ва 8 дона “Kia Sonet Luxe” енгил автотранспорт воситаларини сотиб олиш;

3. Баланс қиймати **“нол”** бўлиб, жамият фаолияти талабларига мос келмайдиган асосий воситалар (компьютер, оргтехника, мебел жиҳозлар ва бошқалар)ни (1 ва 2-илова) беғараз ёрдам сифатида (мактаблар, ижтимоий ташкилотлар ва ҳ.к) тарқатиш орқали ҳисобдан чиқариш ҳамда уларнинг ўрнига янги замонавийларини сотиб олиш;

4. Жамиятнинг даъво муддати ўтган (3 йилдан ортиқ) дебиторлик қарзларини (3-илова) 2024 йилнинг II ярим йиллигида ҳисобдан чиқариш;

5. Худудий бўлинмаларда мижозлар учун қулайликлар яратиш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш.

2.9. Кадрлар сиёсати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

Жамият кадрлар сиёсатига, жумладан ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор беради. Ушбу йўналишдаги асосий вазифа – яъни мутахассисларнинг мижозларга сифатли хизмат кўрсатиши, ҳамкорлик масалалари бўйича музокаларда муомала маданияти ва активлиги билан Жамиятнинг иш самарадорлигини кўтаришга, рақобатбардошлигига хизмат қилишдир.

Шу мақсадда доимий равишда мутахассислар ва психологларни жалб қилган ҳолда семинарлар, тренинглар ва махсус курслар ўтказиб бориш режалаштирилган.

Бунинг учун кадрлар сиёсати йўналишида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш;
- тайёр суғурта мутахассисларини-жалб қилиш;
- моддий ва ижтимоий рағбатлантириш усуллари уйғунлаштирилган ҳолда ишчиларни мотивация тизимини доимий равишда такомиллаштириш;
- филиалларнинг ходимлари, шунингдек, суғурта агентлари учун суғуртанинг турли соҳаларида тажрибани ўргатишга йўналтирилган ўқув машғулотлари ташкил этиш;
- ходимлар ротацияси, яъни Жамият ичидаги горизонтал ва вертикал йўналишдаги ишчилар ҳаракатини амалга ошириш, шунингдек, ходимлар захирасини шакллантириш;
- олийгоҳларда таълим олаётган энг иқтидорли битирувчи курс талабаларини Жамиятга ишга таклиф этиш дастурини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4412-сонли «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тегишли тавсиянома асосида Жамият ходимлари орасидан олий маълумотга эга бўлмаган мутахассисларни соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг «Суғурта иши» таълим йўналиши бўйича сиртки ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари пулли-контракт асосида ўқитишни ташкил этиш.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

- ходимларни шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси ёки молия-иқтисодий ёҳуд суғурта йўналиши бўйича олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малака ошириш курсларини ташкил этиш;

- барча тузилмавий бўлинмаларга суғурта фирибгарлиги ва бошқа қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабар бериш ҳамда ушбу мавзуларда ўқув семинарлар ташкиллаштириш;

- янги ёлланган ишчиларни мослаштириш даврини қисқартириш ва айрим ходимларни ишдан бўшатиш пайтида мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш;

2024 йилда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда хорижий таълим ва бошқа ташкилотларда таълим олиши, малака ошириши ва стажировка ўташини ташкил этиш назарда тутилган.

2.10. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш

Ижтимоий ҳимоя ходимларнинг фаровонлигини ошириш ва кадрлар салоҳиятини сақлашда муҳим рағбатдир. Жамият юқорида келтирилган мақсадларига эришишда ходимлар роли муҳим ўрин тутди ва шуни инобатга олиб, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор беради.

Ушбу йўналишда, Жамият Коллектив шартномаси бўйича шартларни бажаради, жумладан, Жамият ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган тасдиқланган тадбирлар режасига мувофиқ тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун Касаба уюшмаси қўмитасига тўловлар ўтказиб беради.

Жамият ходимларини рағбатлантириш турлари:

- муҳим вазифалар ва режа кўрсаткичларини бажарганлик учун мукофотлар;

- жамият маблағларини тежаш, катта фойда келтирган ташаббус (инновацион зоя) учун мукофотлар;

- иш режасини амалга оширишда иштирок этиш ва ҳисса қўшганлик учун мукофотлар;

- қонунда ва жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган молиявий ёрдам;

- моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Жамиятнинг ривожланиши режалаштирилган параметрларга эришишга йўналтирилади. Иқтисодий вазиятда қутилмаган ўзгаришлар юз берганда, Жамиятнинг ҳаракатлари салбий ўзгаришлардан зарарни камайтиришга ёки ижобий ўзгаришлардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилади.

Тақдим этилган Бизнес-режа 2024 йил бошидан бошлаб амал қилади. Бизнес-режанинг прогноз қилинган маълумотларига, унинг ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот натижаларини таҳлил қилиш жараёнида тузатиш киритиш мумкин.

Жамият томонидан олинган натижанинг тахмин қилинган параметрларга мувофиқлиги эҳтимоли, Жамиятнинг устав капиталини кўпайишига, таъминланадиган суғурта тушумларининг салмоғи ва мажбурий суғурта турларни ривожлантириш бўйича давлат томонидан қабул қилинадиган қарорларга, мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланишига, бозор шароитларига ва бошқа объектив ҳолатларга боғлиқ бўлади.

"Xalq sug'urta" АЖНИНГ 01.12.2023 йил ҳолатига қиймати нол бўлган яроқсиз асосий воситалари рўйхати

№	Номи	Инвентар рақами	Олинган санаси	Бошланғич баҳоси	Қайта баҳоланган баҳоси	Амортизацияси	Қолдиқ баҳоси	Ҳолати
1	Кийим жавони	481	15.10.2012	260 000,0	419 310,3	419 310,3	0	носо3
2	Стул темир	484	15.10.2012	65 000,0	104 827,6	104 827,6	0	носо3
3	Стул темир	485	15.10.2012	65 000,0	104 827,6	104 827,6	0	носо3
4	Стул темир	486	15.10.2012	65 000,0	104 827,6	104 827,6	0	носо3
5	Стул темир	487	15.10.2012	65 000,0	104 827,6	104 827,6	0	носо3
6	Стул темир	488	15.10.2012	65 000,0	104 827,6	104 827,6	0	носо3
7	Темир шкаф	489	15.10.2012	165 000,0	289 412,3	289 412,3	0	носо3
8	Кресло	766	17.02.2014	650 000,0	992 602,4	992 602,4	0	носо3
9	Стулья полумягкие ИЗО	255	12.01.2012	65 000,0	116 907,3	116 907,3	0	носо3
10	Стулья полумягкие ИЗО	257	12.01.2012	65 000,0	116 907,3	116 907,3	0	носо3
11	Стул вращающийся (операторский)	521	11.12.2012	194 500,0	313 676,4	313 676,4	0	носо3
12	кресло операторское КР222.01.08	290	28.03.2012	310 000,0	557 558,0	557 558,0	0	носо3
13	Кресло операторское КР 222.01.02	291	28.03.2012	340 000,0	611 515,2	611 515,2	0	носо3
14	Стул метал.каркас.полумягкий УЛ221.03.04	292	28.03.2012	68 000,0	122 303,1	122 303,1	0	носо3
15	Стул метал.каркас.полумягкий УЛ221.03.04	293	28.03.2012	68 000,0	122 303,1	122 303,1	0	носо3
16	Стул метал.каркас.полумягкий УЛ221.03.04	294	28.03.2012	68 000,0	122 303,1	122 303,1	0	носо3
17	Стол тумбали 150х070	295	29.03.2012	320 000,0	575 543,8	575 543,8	0	носо3
18	Стол тумбали 150х070	296	29.03.2012	320 000,0	575 543,8	575 543,8	0	носо3
19	Стол пот. телефон	297	29.03.2012	180 000,0	323 743,4	323 743,4	0	носо3
20	Стол компьютерный	314	11.08.2012	195 000,0	320 625,0	320 625,0	0	носо3
21	Стул	317	11.08.2012	120 000,0	197 307,7	197 307,7	0	носо3
22	Стул	318	11.08.2012	120 000,0	197 307,7	197 307,7	0	носо3
23	Стул	319	11.08.2012	120 000,0	197 307,7	197 307,7	0	носо3
24	Стул метал.каркасли Д 34	641	24.07.2013	78 750,0	121 543,2	121 543,2	0	носо3
25	Стул метал.каркасли Д 34	642	24.07.2013	78 750,0	121 543,2	121 543,2	0	носо3
26	Стул "Райхон"	544	12.01.2013	57 000,0	90 972,2	90 972,2	0	носо3
27	Стул "Райхон"	546	12.01.2013	57 000,0	90 972,2	90 972,2	0	носо3
28	стул "Райхон"	547	12.01.2013	57 000,0	90 972,2	90 972,2	0	носо3
29	Кресло для руководителя	183	24.10.2011	420 000,0	751 370,6	751 370,6	0	носо3
30	Стул п/м ИЗО	471	08.10.2012	75 000,0	120 954,9	120 954,9	0	носо3
31	Стул п/м ИЗО	472	08.10.2012	75 000,0	120 954,9	120 954,9	0	носо3
32	Стул п/м ИЗО	473	08.10.2012	75 000,0	120 954,9	120 954,9	0	носо3
33	Стул п/м ИЗО	474	08.10.2012	75 000,0	120 954,9	120 954,9	0	носо3
34	Стул п/м ИЗО	475	08.10.2012	75 000,0	120 954,9	120 954,9	0	носо3
35	Стул п/м ИЗО	476	08.10.2012	75 000,0	120 954,9	120 954,9	0	носо3
36	Кресло оператора	402	06.10.2012	384 000,0	619 289,1	619 289,1	0	носо3
37	Кресло оператора	403	06.10.2012	384 000,0	619 289,1	619 289,1	0	носо3
